O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**Сиёсий жараёнлар тобора фаоллашган палладамиз. Сиёсий партиялар айни ана шундай жараёнда ўзининг мамлакат тараққиёти, жамият фаровонлиги, ҳар бир фуқаро тақдири ва порлоқ келажаги билан боғлиқ бўлган мақсадларни рўёбга чиқаришга интилмоқда. Кўп партиявийлик ва ғоялар хилма-хиллиги шароитида умуммиллий манфаатлар ва кучли демократик давлат тажрибаларини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш даврини бошдан кечиряпмиз.**

### Куч — адолатда

# АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Дарҳақиқат, сайловлар шунчаки навбатдаги сиёсий тадбир эмас. Бу биз учун алоҳида синов, алоҳида имтиҳон давридир. Зотан, сайловлар пайтида ўз мақсадларимизни рўёбга чиқариш, жамият ҳаётига, одамлар қалби ва онги шуурига чуқурроқ кириб бориш, ишончига сазовор бўлиш каби улкан имтиҳон олдидамиз.

Тўла демократик ва кенг ошкоралик шароитида ўтаётган навбатдаги сайловга биз осонгина етиб келганимиз йўқ. Ўтган ўн саккиз йиллик мустақил тараққиёт даври, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий соҳадаги каби сиёсий соҳада ҳам жиддий янгиланишлар, туб ислоҳотлар даври бўлди. Дастлаб Олий Кенгаш, ундан сўнг бир палатали Олий Мажлис ва ниҳоят Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлган икки палатали парламентнинг вужудга келиши сайловлар моҳиятининг босқичма-босқич такомиллашиб боришига, унинг демократик тамойиллари тобора кенгайиб, ошкоралик принципларининг чуқурлашишига олиб келди.

Давлатимизнинг ўз мустақил тараққиёт йўлида мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни эркинлаштириш жараёнлари ўзининг тарихий натижаларини берди. Жумладан, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига таянган ҳолда, бошқарув тизими бутунлай янгиланди. Жамиятни модернизациялаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш тамойиллари босқичма-босқич амалга оширилди. Бунда "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун", "ислоҳотларни инсон қалби ва онги орқали амалга ошириш", "янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик" тамойилларига таянилган ҳолда фаолият олиб борилди. Умуминсоний қадриятлар устуворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг тўла тантана қилинишида адолат мезонларининг устуворлигига эришилди.

Буларнинг барчаси ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида адолат мезонларининг қадрият даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси айни ана шу муқаддас ғоялар ва эзгу идеалларни ҳимоя қиладиган, уни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган сиёсий ташкилот сифатида дунёга келди. Бизнинг партиямиз бугун сиёсий жараёнлар фаоллашган бир паллада, инсоннинг азалий мақсади ва интилишини ўзида мужассам этган Адолат тушунчасининг тантанаси учун курашади.

Бугунги сайлов кампанияси даврида депутатликка "Адолат" социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли жабҳаларида фаол меҳнат қилаётган, аҳоли ўртасида маълум ҳурмат ва эътиборга эришган партия фаолларидир. Партиямизнинг туман, шаҳар, вилоят Халқ депутатлари кенгашлари ҳамда парламент қуйи палатаси депутатлигига кўрсатган номзодлари "Адолат" социал-демократик партиясининг мафкуравий мақсадлари ва дастурида белгилаб берилган жамият ҳамда давлатни демократлаштиришга доир ислоҳотларни янада чуқурлаштириш тарафдори бўлишдан ташқари, аҳолининг давлат органлари тузилмаларидаги манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя этишни ўзларининг асосий вазифаларидан бири, деб биладилар. Шунингдек, парламент қуйи палатаси ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлари ичида кўпроқ ўринларга эга бўлиш, натижада мамлакатда фуқаролар манфаатлари асосида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга сезиларли таъсир ўтказишга эришиш ҳам партиямизнинг стратегик мақсадларидан биридир.

Партиямиз сайловолди дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш жараёнларида ўз ролини кучайтиришни мақсад қилиб қўйдик. Айниқса, жамиятда барқарорлик, тинчлик, фуқаролар тотувлигини таъминлашда, миллий ва диний бағрикенглик тамойилларига амал қилиб яшашни турмуш тарзига айлантиришда фаол иштирок этаяпмиз. Зотан, адолат сўзи бу фақатгина ҳақиқатнинг ўзигина эмас, том маънодаги адолат кенг маъноли тушунчадир. У инсоннинг бутун моҳиятини, қадру қимматини, мавжудлигини ўзига қамраб олади. Демак, партиямиз ҳар бир фуқаро қалбида адолат туйғусининг куртак очиши орқали адолат устувор бўлган жамият қуришда иштирок этади.

Дарҳақиқат, ижтимоий адолат мавжуд бўлган жойда тараққиёт тезлашади. Бу бевосита ҳар бир фуқаронинг маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий даражаси билан боғлиқ бўлган мураккаб жараён. Демак, адолат мезонларининг барқарорлиги, баркамоллиги ва ўзини ёрқин намоён этиши ҳар бир фуқаро феъл-атвори, хатти-ҳаракати муносабатлари, ислоҳотлардаги иштироки билан боғлиқ бўлган кенг миқёсли жараёндир.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, жамиятда сиёсий партияларнинг роли кескин ошиб бормоқда. Бу бевосита икки палатали парламентнинг юзага келиши ва шахсан Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонунининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, ушбу қонун сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини, обрў-эътиборини, сўзининг салмоғини ва таъсир доирасини бирмунча оширди. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ва унинг аъзоларидан тортиб, туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлик гуруҳлари аъзоларигача бўлган яхлит тизим фаолиятининг самарадорлигини оширди. Партия аъзолари масъулиятини, жамият олдидаги бурчини мустаҳкамлади, вазифа ва мажбуриятларини аниқлаб берди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида адолат устуворлигига ва ҳар бир фуқарода адолат туйғусининг шакллантирилишига жиддий эътибор беради. Бу бевосита қонунлар тизимининг баркамоллиги билан боғлиқдир. Чунки ҳар қандай шароитда ҳам қонун устувор бўлган жамиятда адолат тантана қилган. Ҳуқуқий-демократик, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг бош омилларидан бири ҳам қонун устуворлигига ҳамма баробар итоат ва риоя қилишидир.

Бугун мустақиллик шароитида, Конституциямизда белгилаб берилган инсон қадру қиммати, шаъни ҳар нарсадан устун бўлган бир пайтда ушбу масаланинг янада ривожлантирилишини долзарб, деб ҳисоблаймиз. Халқимиз азалдан бундай жамиятни кўрган. Бунга тарих гувоҳ. Биргина Соҳибқирон Амир Темур "Мен бир бола бир лаган олтинни бошига қўйиб, мамлакатнинг у бурчидан бу бурчига борса, биров қўл теккизмайдиган салтанат қурдим", деган эди. Ана шу ҳолатнинг ўзи темурийлар даврида тартиб-интизом, маънавий ва ахлоқий меъёрлар қай даражада юксак эканлигини, бугун биз қураётган адолатли фуқаролик жамияти айрим белгиларнинг мавжудлигини кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, орадан 600 йилдан кўпроқ вақт ўтиб, инсон манфаатлари ҳимоя қилинган жамият қуриш йўли танланди ва бу борада жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, суд ислоҳотининг ўзи адолат тушунчасининг моҳиятини яна ҳам чуқурлаштирди. Суд инсонларни ҳимоя қилувчи, ҳақ-ҳуқуқини тиклашга ёрдам берувчи инсонпарвар ва адолатпарвар тизимга айланди. Ана шу йўл билан қонун устувор бўлган демократик жамият ва адолат бош мезон бўлган тамойиллар амал қилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бутунлай янги тизимдаги жиноят ишлари суди, фуқаролик суди, хўжалик суди, ҳакамлик суди, адвокатлар палатаси сингари яхлит ва мустақил тизимлар вужудга келганки, булар жамиятда адолат мезонларининг тантана қилишига хизмат қилмоқда. Бизнинг "Адолат" социал-демократик партиямиз эса ана шу мавжуд тажрибаларни тўплаб, уларнинг ривожланишига, яна ҳам баркамолроқ шаклланишига ва жамият ишига чуқурроқ кириб боришига кўмаклашади. Шу билан бирга, партиямиз сиёсий соҳада бошқарувнинг ошкоралигини таъминлаш ва унинг ўзаро дахлдорлигини ҳамда жавобгарлигини оширишга, жамоатчилик назоратини ўрнатишга ҳаракат қилади. Бошқарувнинг ошкоралик принципини ва давлат органлари ҳамда уларнинг ходимлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини етарли даражада таъминлаш, "электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш, вакиллик органлари орқали бошқарув тизимидаги иштирокини таъминлаш ишига алоҳида аҳамият беради.

Партиямиз сайловолди дастурида фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш масалаларига юксак эътибор қаратилган. Қолган партияларнинг сайловолди дастурларида эса мазкур масала охирги ўринда тилга олинади. Эътиборлиси, фақатгина бизнинг партиямизгина, аввало, келгусида ҳам бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлигини илгари сурди.

Шу муносабат билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига оид қарорларни қабул қилиш ва уларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида юқорида зикр этилган тамойилларни таъминлашга қаратилган муайян давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни таклиф этади.

Бизнинг учала сиёсий рақибларимиз — ЎзЛиДеП, ХДП, "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурларида эса, бу масала юзасидан фақатгина қуруқ сўзлар ва баландпарвоз гаплар билан чегараланилган, холос. Айниқса, аъзолари сонининг кўплигини рўкач қилишга одатланиб қолган ЎзЛиДеП ва ХДП сайловолди тарғиботларида давлатимиз томонидан амалга оширилган ишларни "ўзлаштириш" аломатлари сезилиб қолмоқда. Бундан ташқари, ХДП партияси сайловолди дастурида кучли ижтимоий ҳимоя ҳақида сўз юритмоқда, лекин, давлатимиз томонидан ҳозирги кунда бюджетнинг қарийб 60 фоизи ижтимоий мақсадларга сарфлаётганлигининг ўзи партиянинг бу борадаги фикрлари асоссиз эканлигини исботлайди. Шунингдек, ХДП кучли ижтимоий сиёсат тарафдори экан, келгусида қандай тадбирлар орқали ва қанча янги иш ўринлари яратиши мумкинлигига оид бирор-бир ишончли ғоя таклиф қилмаяпти. ЎзЛиДеП эса анъанавий равишда ўзининг электорати, деб ҳисоблайдиган тадбиркорлик юритувчи субъектлар муайян қисмининг бошқа партиялар, жумладан, бизнинг партия аъзоси эканлигини қандай изоҳлайди?! Шу сабабли ҳам ҳурматли сайловчиларнинг у ёки бу партияга муносабатини шакллантиришда, аввалабор, эълон қилаётган фикрларининг ҳаққонийлиги ва асослилигига, энг муҳими, сайловолди дастурларининг амалга оширилиши мумкинлигига ҳушёрлик билан баҳо беришларини истаб қолган бўлар эдик.

Таъкидлаш жоизки, давлат бошқарувининг барча тизимларида бошқарув кадрлари касбий салоҳиятини, сиёсий ва ғоявий даражасини, фидойилик ва ватанпарварлик туйғусини, умуммиллий манфаат йўлидаги сафарбарлик салоҳиятини ҳамда интеллектуал имкониятларини шакллантиришга ёрдам беради.

Партиямиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат назоратини кучайтириш, фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари самарали фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга интилади. Буларнинг барчаси жамиятда соғлом маънавий-ижтимоий вазият вужудга келишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси навбатдаги сайловларга кенг миқёсли дастур билан кириб келмоқда. Ушбу сайлов партиямиз келгуси фаолияти учун муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Биз сайловчилар Ўзбекистон "Адолат" СДПдан илгари сурилган номзодларга овоз беришига ишонамиз.

**Рустам ЯДГАРОВ,**
**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоси.**

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига бўладиган сайловлар бугунги кунда ўзининг авж палласига кирди. Чунки қайси газета ёки журнални ўқиманг, радио ва ТВ, ҳатто, шоҳкўчалар бўйидаги реклама тўсинлари, катта экран таблоларига нигоҳ ташламанг, жойлардаги сайлов округи ва участкаларида бўлманг, сайловга тайёргарлик жараёни ёки сиёсий партияларнинг сайловчилар эътибори ва ишончини қозониш йўлидаги саъй-ҳаракатларини кузатиш мумкин.**

# САЙЛОВЛАР — «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УЧУН МУҲИМ СИНОВ

Айниқса, жойларда номзодларнинг сайловчилар билан бўлаётган учрашувлари қизғин ва фаол тус олмоқда. Ушбу учрашувларда халқимизнинг кенг қатламлари партиямиз сайловолди дастурида акс этган ғояларни қўллаб-қувватлашмоқда. Партиямиз томонидан кўрсатилган номзодларимиз ҳокимиятнинг вакиллик органларидан кўп жой олишининг замини, албатта, бизнинг сайловолди дастуримизда акс этган.

Бу, аввало, барча соҳаларда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларимизда яққол ўз ифодасини топганлиги одамларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Иккинчидан, ислоҳотлар ва демократлаштириш жараёнларининг халқимиз ҳаёти, анъаналари ва қадриятлари билан уйғун ҳолда олиб борилиши ҳам аҳолининг кенг қатламлари томонидан маъқулланмоқда.

Учинчидан, фаннинг ва замонавий технологияларнинг ривожланиши мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини янада оширишда партиямиз ижтимоий қатлами бўлган илмий зиёлиларни қўллаб-қувватлашдир.

Тўртинчидан, миллий бозор ва миллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдимизга етакчи вазифа сифатида қўймоқдамизки, бу ғоя сайловчилар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Аммо халқимиз кенг қатламлари томонидан сайловолди дастуримизда акс этган ғоялар қўллаб-қувватланиб ва катта ишонч билдирилаётган бир пайтда, баъзи бир сиёсий партиялар, хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ОАВдаги чиқишларида партиямизнинг эзгу мақсадларига нисбатан шубҳа билан қараш ҳоллари кузатилмоқда.

Хусусан, партиямизнинг сайловолди дастуридаги эзгу ғояларга нисбатан "миллий биқиқлик", "ўз қобиғига ўралиб қолиш" каби асоссиз даъволар айтилмоқда. Аввало, шуни таъкидламоқчи эдикки, юқоридаги фикрларни билдирган ЎзЛиДеП назариётчилари бизнинг дастуримизга жиддийроқ эътибор қаратганларида, мақсад ва вазифаларимизни аниқроқ тушуниб олган бўлишарди. Бизнинг мақсадларимиз асло миллий маҳдудликдан, дунё тараққиётидан ажралиб, ўз қобиғига ўралиб қолишдан эмас, аксинча, Ватанимиз ва халқимизни дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари ва халқлари қаторидан муносиб жой олишига ҳар томонлама ҳисса қўшишдан иборатдир.

Сиёсий партияларнинг бугунги кундаги саъй-ҳаракатлари спортчининг энг сўнгги дақиқалардаги ҳолатини эслатади. Бу, албатта, табиий жараён. Чунки саноқли кунлардан кейин сиёсий партиялар яна бир катта имтиҳондан ўтадилар. Ҳолбуки, бу сайлов натижалари жуда кўп нарсага аниқлик киритади, айниқса, сиёсий партиялар учун ўзига хос сарҳисоб вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам ана шундай улуғвор масъулиятни сезган сиёсий партиялар бугунги куннинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб қолишга ҳаракат қилишмоқда.

Лекин шу ўринда, қандай қилиб ва қай йўсинда, деган савол пайдо бўлади. Агар сиёсий партияларнинг бугунги саъй-ҳаракатларига ана шундай савол билан назар ташлайдиган бўлсак, ЎзЛиДеПнинг сайловолди фаолиятида ғайритабиий ҳолатларнинг шоҳиди бўлаяпмиз. Бу кузатаётган кишига ҳаракатни эмас, талвасани эслатади. Дарвоқе, ЎзЛиДеП нега бунчалик хавотирга тушмоқда? Тўғри, буни тушуниш аслида унчалик қийин эмас. Чунки ҳозирда парламентда энг кўп депутатлик ўрнига ва энг катта фракцияга эга бўлган партиянинг бундай мавқедан маҳрум бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас-да. Шунинг учун ҳам ЎзЛиДеПчилар оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ёки сайловчилар билан учрашувларда гоҳ ХДПнинг ёқасидан олса, гоҳ "Адолат"га ёпишмоқдалар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, яқинда бундай "мурувват"дан ЎзМТДП ҳам бенасиб қолмади. ЎзЛиДеП ХДПни давлат органлари фаолиятини қаттиқ назорат остида ушлаб туриш, деган тамойилни ҳимоя қилганлигида ёки давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир аниқ таклифлари йўқлигида, "Адолат"чиларни эса — халқ хўжалигига инвестициялар киритиш ва миллий инновацион тизимни шакллантиришга доир ваъдалари қуруқ ва асоссиз эканлиги, бу соҳада ҳалигача ижтимоий лойиҳа тайёрламаганлик ёки амалиётга татбиқ этмаганликда айблади. ЎзЛиДеПнинг бу тахлитдаги ҳаракатини, яъни, бирданига учта партиянинг ёқасидан тутишини, инсоф билан айтинг, қандай баҳолаш мумкин? Бу бежиз ёхуд беасос эмас. Чунки биринчидан, айниқса, сўнгги йилларда либерал йўналишдаги партиялар Европанинг деярли барча мамлакатлари, ҳатто Японияда ҳам ўз мавқеини бой берди, очиқроқ айтганда, сиёсий мусобақада бошқа йўналишдаги сиёсий кучларга ютқазиб қўйди.

Иккинчидан, ҳам энг муҳими, ҳам энг аянчлиси, йирик иқтисодчи олимлар, давлат ва жамоат раҳбарлари ҳамда арбоблари якдил бўлиб эътироф этишаётганидек, айни пайтда бутун дунёни ўргимчак тўридек қамраб олган, неча-неча йирик корхоналарни танг иқтисодий-молиявий аҳволга солаётган, миллионлаб кишиларни ишсиз, ризқ-рўзидан бенасиб қолишига сабабчи бўлаётган жаҳон миқёсидаги молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиши ва кучайишига либерал иқтисодий сиёсат сабабчи бўлганидан бугунги кунда каттадан-кичиккача хабардор. Хўш, ана шундан кейин ҳам хавотирга тушмасликнинг иложи борми? Унинг ўрнига бошқа партия бўлганида-чи? У ҳам шундай йўл тутган бўлармиди? Назаримда, бизни ўқиган сайловчилар ЎзЛиДеПнинг бугунги аҳволини тушуниб етган бўлишса керак. Чунки юқорида айтганимиздек, бу гал ЎзЛиДеПга ҳам осон бўлмаслиги аниқ. Бундан ташқари, ушбу партиянинг сайловолди платформасининг бир қисмини аниқ таклиф, муқобил лойиҳалар, партиянинг имконияти ва кучи етадиган вазифалар эмас, кўпроқ баландпарвоз ваъдалару қуруқ баёнотлар ташкил этишига гувоҳ бўлдик.

Дарвоқе, шу ўринда ЎзЛиДеПнинг "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди дастурига нисбатан билдирган фикрларига, озгина бўлса-да, изоҳ бериб ўтишни лозим топдик. Улар, юқорида айтганимиздек, ЎзМТДПнинг сайловолди платформасидаги ғоялар, мақсад ва вазифаларни ё буткул тушунмаган ёки тескари талқин қилишга уринмоқда. Чунки, айниқса, сўнгги йигирма-ўттиз йилликда дунё халқлари ва мамлакатлари қанчалик эркинлашмасин, барча жабҳалар глобал кўриниш олмасин, миллий қадриятларга қайтишни афзал, деб билмоқдалар. Инсоният турфа тил ва турфа рангда яратилган. Гулзор турфа гуллар билан гўзал кўринганидек, бу дунё ҳам турли миллат ва элатлар, уларнинг ранг-баранг анъаналари, урф-одатлари, бир сўз билан айтганда, миллий-маънавий қадриятлари билан чароғондир. Зеро, инсониятнинг кечаги тарихидан ҳам унга истаганча жавоб топиш мумкин. Чунки собиқ совет тузуми давридаги миллат ва элатларни ягона тил ва урф-одат қобиғига бўйсундириш, алалоқибат, қандай натижаларга олиб келганлиги ҳали унутилмаган бир пайтда барча мамлакат ва миллатларнинг соғлом кучлари бало-қазодек ёпирилиб келаётган "оммавий маданият"нинг иллат ва хавф-хатарларидан барчамизни тинимсиз огоҳлантирмоқдалар. Қолаверса, миллий тикланиш ўлмас ғоядир. Бу дунёда токи битта миллат ва элат бор экан, у яшайди. Дунёдаги барча миллий ва диний қадриятлар инсон боласини комилликка даъват қилар ва етаклар экан, миллий тикланиш ғояси ҳам у билан бақамти яшайверади.

Узоқ тарихга эга бўлган миллий меросимиз, инсоният пайдо бўлганидан буён яшаб келаётган урф-одат ва анъаналаримиз борки, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва ҳимоя қилиш ЎзМТДПнинг асосий мақсадларига айланган.

ЎзМТДП сайловолди платформасида белгиланганидек, ўз сафига барқарор ва уйғун миллий ривожланиш ғояларига садоқатли ижодкор зиёлиларни, таълим, маданият соҳалари ходимларини, жамиятнинг бошқа қатламларини, энг аввало, миллий ғояга, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва буюк келажагига ишонадиган, мамлакатимиз дунёнинг энг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида фаол иштирок этадиган, шунингдек, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган ватанпарварларни бирлаштиради.

ЎзМТДП мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда бойитишни, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсадлари, деб билади.

ЎзМТДП "миллий биқиқлик" ва "ўз қобиғига ўралиб қолиш"ни эмас, аксинча, бугун бутун дунё социал, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечираётган, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир вазиятда миллий бирлик, бирдамлик ва ватанпарварлик, халқимизнинг бутун куч ҳамда имкониятларини мамлакатимиз барқарор ривожланишига, инқироздан кейинги даврда ҳам ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлашга сафарбар этиш лозимлигини ёқлайди ва ҳимоя қилади. Энди айтинг, сайловчиларимиз сайловолди платформасида ўз мақсад-муддаоларини ана шундай тарзда очиқ-ойдин айтган партияни қўллаб-қувватламай, қандай партияга овоз берадилар? ЎзЛиДеП бизни қаттиқ танқид остига олаяптими, демак бизни ўзига нисбатан катта салоҳиятга эга сиёсий куч сифатида тан олиб, салоҳиятимиздан чўчиётганлигини билдириб қўймоқда. Биз бу борада бошқа ҳеч нарса демоқчи эмасмиз, хулоса чиқаришни эса сайловчиларга қолдирамиз ва ишонамизки, халқимиз, сайловчиларимиз ЎзМТДП номзодларига овоз бериш билан, бизнинг ўлмас ғояларимизни ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Зеро, бизнинг асл мақсадимиз — миллий тараққиёт ва миллий манфаатларимизнинг ҳар томонлама таъминланганлигидир.

**Жаҳонгир ЭЛБОЕВ,**
**ЎзМТДП аъзоси.**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ОДИЛ ЁҚУБОВ



Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Одил Ёқубов шу йил 21 декабрь куни 83 ёшида вафот этди.

Одил Ёқубов 1926 йили хизматчи оиласида туғилди. 1944 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1945-1950 йилларда ҳарбий хизматни ўтади. 1951-1956 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетида таҳсил олди. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, "Литературная газета"нинг республикамиз бўйича махсус мухбири, "Ўзбекфильм" киностудиясида ва Кинематография давлат қўмитасида бош муҳаррир, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг бош муҳаррири, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раиси ва Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг биринчи вице-президенти лавозимларида хизмат қилди.

Одил Ёқубов катта ва сермазмун ижод йўлини босиб ўтди. Адибнинг биринчи йирик асари "Тенгдошлар" қиссаси 1951 йилда нашр этилди. Қарийб ярим асрлик ижодий фаолияти давомида Одил Ёқубов яратган ўнлаб насрий китоблар, жумладан, "Икки муҳаббат", "Муқаддас", "Қанот жуфт бўлади", "Биллур қандиллар", "Излайман" каби қиссалар, "Эр бошига иш тушса", "Улуғбек хазинаси", "Диёнат", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар", "Адолат манзили" сингари романлар адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизнинг мураккаб тарихи ва бугунги ҳаёти катта маҳорат билан акс эттирилган бу асарларнинг аксарияти кўпгина хорижий тилларга таржима қилиниб, чет элларда чоп этилган.

Одил Ёқубов бадиий проза билан бир қаторда драматургия ва публицистика жанрларида ҳам самарали ижод қилиб, ўзининг ёрқин истеъдодини намоён этди.

Атоқли ёзувчининг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" фахрий унвони, Давлат мукофоти, "Дўстлик" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденлари билан тақдирланган эди.

Улкан адиб ва жамоат арбоби Одил Ёқубовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, А. АРИПОВ, Х. СУЛТОНОВ, А. ОРИПОВ, Б. АЛИМОВ, П. ҚОДИРОВ**

# «Косонсой Текмен» қайта тикланди

***Банкрот деб топилган "Косонсой Текмен" қўшма корхонасига 210 миллион сўмлик инвестиция киритилгач, бу ерда ишлаб чиқариш жараёни қайта тикланди.***

Ҳозирда корхона негизида ташкил этилган "Косонсой тўқимачи" масъулияти чекланган жамиятида ўзимизда етиштирилган жун қайта ишланиб, газламага айлантирилмоқда. Айтиш лозимки, ўтган қисқа вақт мобайнида жамиятда импорт ўрнини босувчи 360 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қувонарлиси, айни пайтда бу ерда 157 киши меҳнат қилмоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Самарқанд давлат чет тиллар институти томонидан 2008 йилда 20 та илмий ва ўқув қўлланмаси нашр этилди, шу йил охиригача эса 40 дан ортиқ китоб нашр этиш режалаштирилган. Институт ўзбек, инглиз ва рус тилларида "Хорижий филология" ("Зарубежная филология") илмий-услубий ва адабий-бадиий журналини ҳам мунтазам чиқариб келмоқда.

Вилоятда 42 та газета ва 6 та журнал чоп этилмоқда. Вилоят ҳокимлиги муассиси бўлган "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари тегишинча ҳафтасига уч ва икки марта чиқиб турибди.

Шу билан бирга, мажлисда сенаторлар ушбу Қонуннинг бажарилишидаги мавжуд камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Аҳолиси 3 миллион кишидан ортиқ бўлган ушбу вилоятда ноширлик фаолиятини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, ишлаб турган "Зарафшон" нашриёти зарур моддий базага эга бўлишига қарамай, босма маҳсулотни етарли даражада чиқармаётир, ушбу Қонуннинг 4-моддасини бузган ҳолда монопол мавқени эгаллаб олган ва бу соҳада соғлом рақобатнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. 2008 йил якунлари бўйича ушбу нашриёт томонидан олинган даромад бор-йўғи 82 минг сўмни ташкил этганлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Муҳокама асносида мажлис қатнашчилари вилоятда ноширлик фаолиятини ривожлантириш ва тегишли рақобат муҳитини яратиш, вилоятда ишлаб турган нашриётларнинг моддий базасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ноширлик фаолиятининг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш зарурлигини таъкидладилар.

Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг депутатлари, "Зарафшон" ҳамда Имом Бухорий халқаро маркази нашриётларининг, Самарқанд давлат университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти нашриёт бўлимларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, вазирлик ҳамда идоралар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

**(ЎзА).**

# ХОЛИСЛИК – КУЗАТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МЕЗОНИ

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этадиган МДҲ Ижроия қўмитасининг кузатувчилари миссияси штаби ишга киришди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида миссия штаби раҳбари, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котибининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун билан учрашув бўлиб ўтди.***

Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар ва бу борада Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Концепциянинг ижро этилиши ҳақида ахборот берди. Сайлов кампанияси бу соҳадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган миллий сайлов қонунчилигига, унда белгиланган очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик каби демократик тамойилларга тўла мос ҳолда ташкил этилди ва ўтказилмоқда.

Суҳбат асносида МДҲ Ижроия қўмитаси кузатувчилари миссияси штаби раҳбари парламентнинг қуйи палатасига сайловда иштирок этадиган сиёсий партиялар, Қонунчилик палатаси депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар учун сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун яратилган тенг имкониятлар, сайловчилар рўйхатини тузиш ва аниқлаштириш жараёни, шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти янада либераллаштирилиши ва демократлаштирилиши шароитида миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилаётган бу галги сайлов кампаниясининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот олди.

— МДҲ Ижроия қўмитаси кузатувчилари миссияси Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш бўйича ўз вазифаларини амалга оширишга катта масъулият билан ёндашади, — дейди В. Гаркун. — Миссия таркибига 84 нафар кузатувчи киритилган. Сайлов мониторингини амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида улар мамлакатнинг барча ҳудудларида, сайлов округи ва участкаларида фаолият юритади. Миссия бу борада турли мамлакатлардаги сайловлар бўйича амалга оширган 50 та кузатуви давомида тўпланган тажрибага асосланади. Ўз фаолиятимизда биз фақат бевосита кузатув жараёнида олинган маълумотларга асосланамиз. Сайлов жараёнини холис ўрганиш асносида миссиянинг Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш натижалари бўйича якуний баёноти тайёрланади ва сайловнинг эртаси куни тақдим этилади.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга ҳар бир партияга электрон реклама мониторида бепул жой ажратилган. Тошкент шаҳрида уларга 8 та, Андижон, Фарғона, Самарқанд шаҳарларидаги 2 тадан, Бухоро, Наманган, Нукус ва Қарши шаҳарларида мавжуд бўлган 1 тадан электрон реклама мониторларидан жой ажратилиб берилган. Уларда сиёсий партияларнинг ўзбек ва рус тилларидаги сайловолди роликлари жойлаштирилган. Ушбу роликлар сайловчиларни парламент сайловида ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида иштирок этаётган сиёсий партиялар ҳақида хабардор этиб, муайян партия номзодлари учун овоз беришга даъват этади.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга биноан, сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар сайловчилар билан учрашувларни мустақил равишда ўтказмоқда. Участка сайлов комиссиялари бу борада уларга ушбу тадбирларни ташкил этишда яқиндан кўмаклашмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссияси аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи ҳақида хабардор қилади. Участка сайлов комиссияларига кўмаклашиш мақсадида барча ташкилий тадбирлар амалга оширилган. Ҳар бир сайлов участкасида, шунингдек барча аҳоли яшаш жойларининг марказий кўчаларида сайлов санаси ҳақида хабардор этувчи баннерлар осиб қўйилган. Телевидение ва радио орқали давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлажак сайловга бағишланган ахборот роликлари узатилмоқда. Қонунчиликда кўзда тутилган сайлов ўтказиладиган вақт ва жойи тўғрисидаги талабларга риоя қилинишини текшириш мақсадида ушбу жараённинг мониторинги ўтказилди.

Сайлов бюллетенларини тайёрлаш, уларни округ ҳамда участка сайлов комиссияларига етказиб бериш ҳам муҳим ва масъулиятли тадбир ҳисобланади. Улар фақат овоз бериш воситаси бўлиб қолмай, сайловда нечта сайловчи қатнашганлигини аниқлаш имконини беради.

Сайлов бюллетени — Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган, белгиланган шаклдаги сайлов ҳужжати бўлиб, фуқароларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлайди. Унда депутатликка номзод ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партиянинг номланиши) келтирилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссияларига сайлов бюллетенлари округ сайлов комиссиялари томонидан сайловга камида уч кун қолганида етказиб берилади.

Қонунчилик палатасига депутатликка сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси қарорига кўра тасдиқланган намуна бўйича бюллетенлар тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Сайлов жараёнида овоз бериш ҳал қилувчи аҳамиятга эга босқич ҳисобланади. Шу боис сайлов комиссиялари олдида турган долзарб вазифалардан бири овоз беришни сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Сайлов қонунчилиги талабларига қатъий риоя қилиш, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда сайлов куни участка сайлов комиссиясининг иш тартиби ҳақида ўқув фильми тайёрланган. У марказий ва маҳаллий телевидение орқали 21 декабрдан бошлаб кўрсатилмоқда.

Овоз бериш сайлов участкасида махсус ажратилган биноларда бўлиб ўтади, бу жойларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенларини бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари барчага кўринарли жойда қўйилган бўлиши лозим. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Уларнинг тўғри жиҳозланиши ва зарур тартиб сақланиши учун масъулият бевосита участка сайлов комиссиялари зиммасига юкланган.

Сайлов куни овоз бериладиган бино участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Сайлов қутиларини муҳрлашда сиёсий партияларнинг кузатувчилари, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этишга ҳақлидирлар.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолати билан боғлиқ барча нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси камида икки комиссия аъзосига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади. Бу тартибда овоз бериш фақат сайлов куни, фуқароларнинг мурожаати асосида амалга оширилади. Бундай илтимос билан сайловчи участка сайлов комиссияси ташкил этилган кундан эътиборан хоҳлаган вақтда мурожаат қилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этиш ва кўчма сайлов қутиларидан фойдаланиш тартиби тасдиқланган. Унда сайловчи ҳозир бўлган жойда овоз беришни ташкил этиш, уни ўтказиш шартлари ва кўчма сайлов қутиларидан фойдаланиш, сайлов бюллетенлари бўйича овозларни санаб чиқиш асослари мустахкамлаб қўйилган.

Миллий сайлов қонунчилигининг асосий принципларига очиқлик ва ошкоралик киради. Уларни таъминлашнинг муҳим воситаси — сайлов жараёнини кузатиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда нафақат маҳаллий журналистлар, балки хорижий кузатувчилар ҳам қатнашмоқда. Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюросининг сайловларни баҳолаш бўйича миссияси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитасининг кузатувчилар миссияси фаолият кўрсатмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
республикамизнинг барча аҳолисини кириб келаётган 2010 йил билан табриклайди ва «Янги йил тухфаси» байрам депозити яна амалга киритилганлигини маълум қилади.



- Сақланиш муддати — **100 кун**.
- Фоиз ставкаси — **йиллик 28%**.
- Фоизлар омонатни сақланиш муддати тугаганидан кейин тўланади.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Дастлабки бадал миқдори чекланмаган.

Омонатга пул маблағлари қабул қилинадиган охирги муддат — 2009 йил 31 декабрь.

Айни пайтда банк миллий валютадаги «Манзур», «Фаввора», «Ифтихор», «Афзал», «Нафосат» ва «Истеъдод» муддатли омонатларининг амал қилиш вақти илгари тасдиқланган шартларда узайтирилганлигини маълум қилади.

*Биз ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб биламиз!*

Қўшимча ахборот олиш учун 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлими/филиалига мурожаат қилиш мумкин.
WWW.NBU.COM
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН
1351R/1194

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
Товар сертифицирован. Форма оплаты — любая
КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:
КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий
- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м




АВТОКРАНЫ:
для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах




КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА



AVTODOM PLUS
www.auto.uz
Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 118-уй.
Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22.
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.
Шунингдек, сотувда 3307 русумли вахта автобуслари ҳам мавжуд.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

# БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларидан биридир. Университет талабаларига профессор-ўқитувчилар электрон дарслик ва махсус техник воситалар асосида сабоқ беришади. Масалан, механика-машинасозлик факультетини олайлик. Мазкур факультетда айни пайтда 11 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. Уларда 12 йўналишда бакалаврлар ва 15 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади.

— Мамлакатимизда ёшларнинг баркамолликка эришишлари учун барча шарт-шароит мавжуд, — дейди механика-машинасозлик факультетининг металлар технологияси ва материалшунослик кафедраси мудири, ёш олим Фарҳод Тўраев. — Жанубий Кореянинг Комо технология университети аспирантурасида таҳсил олиш жараёнида ушбу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдим. Биласиз, бу мамлакатда саноат ва таълим ривожланган. Ўқиш ва номзодлик ишимни ёқлаш давомида у ердаги талабаларнинг дунёқараши билан қизиқдим ва беихтиёр юртимиз ёшларининг онгу тафаккури ҳеч кимдан кам эмаслигига иқрор бўлдим. Зеро, мамлакатимиз Истиқлол туфайли қисқа фурсатларда кўп муваффақиятларга эришди. Ўқув юртларимизнинг моддий-техник базаси мустаҳкамлиги, талабаларимизнинг энг нуфузли хорижий даргоҳларда ўқиётганлар билан бемалол баҳсга киришиши изчил ислоҳотлар самарасидир, албатта.

Кези келганда бир гапни айтмоқчиман. Яқинда бу ерга 8 та хорижий мамлакатдан талабалар келишди. Улар шарт-шароитимиз ва ёшларимизнинг дунёқараши билан қизиқиб, мулоқотга киришишди. Бирга сабоқ тинглашди, амалиёт дарсларида бир-бирларини синаб кўришди. Чет эллик талабалар билан келган мутахассисларнинг хулосаси шу бўлдики, мамлакатимиз таълим тизимидаги янгиланишларнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши бежиз эмас. Интилувчан, илмга чанқоқ, ўз олдига қўйган эзгу нияти сари дадил ҳаракат қиладиган йигит-қизларнинг пухта билим олишлари учун муносиб шароит яратиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳолбуки, бундай ғамхўрлик унча-мунча мамлакатда кузатилмайди. Президентимиз ёшларни эъзозлаб, фарзандларим, дея ардоқлаётган эканлар, навқирон авлод бу юксак ишончни оқлашни ўзи учун энг улуғ мақсад деб билади.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган суратлар.**

Навоий
томонларда

## Ижтимоий-ҳуқуқий марказ

***Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида "Қалб меҳри" ижтимоий-ҳуқуқий маркази иш бошлади.***

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу марказда хотин-қизлар учун ҳуқуқий маслаҳатлар бериш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, уларга пазандачилик, чеварлик ва компьютер сирлари бепул ўргатилмоқда.

## Янги ҚВП иш бошлади

***Томди туманидаги Ўтемурод овулида қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Мазкур тиббиёт масканини бунёд этиш ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ҳудудий жамғармаси ҳамда ҳомийлар ҳисобидан 170 миллион сўм маблағ сарфланди. Ушбу маблағнинг бир қисмига "Тез ёрдам" автоулови харид қилинганлиги эса нур устига нур бўлди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЙИЛНИНГ ЭНГ УЗУН ТУНИ

***Мамлакатимиз аҳолиси бугун табиатнинг ўзига хос ҳодисасига гувоҳ бўлмоқда. Гап шундаки, 22 декабрь санасида йилнинг энг қисқа куни ва энг узун тунини қарши оламиз.***

Соат 07.45 да кўтарилган офтоб 16.57 да уфққа бош қўяди. Кун узунлиги 9 соату 12 минутни ташкил этади. Бу қуёш тоғ эчкиси буржига оғиб, ҳижрий-шамсий йил тақвими ҳисобига кўра, жадий ойи кирганидан далолатдир. Эътиборлиси, баъзи Шарқ давлатларида бу кун байрам сифатида ўзгача шоду хуррамлик билан кутиб олинади.

**Бурж**

Кўп йиллик кузатишларга қараганда, кун қисқариши тўқсон киргач, янада яққолроқ намоён бўлади. Чилла киргандан сўнг – 25 декабрдан эса у узая бошлайди: дастлабки пайтлари ҳар икки кунда бир минутдан қўшилади. Халқимиз айтганидек, "Тўқсон кирса, тўрғай одими билан, қантар оғса, қарға одими билан кунлар узаяди".

Одатда, жадий ойида совуқ об-ҳаво кузатилади. Минтақамизда ёғингарчиликлар мўл бўлиб, ҳарорат 40 даражагача тушиб кетиши мумкин. Баъзи йиллари эса илиқ келади. Халқимиз ибораси билан айтганда, "ой қўтонласа ойда, қуёш қўтонласа кунда ёғар".

Кексалар дуога қўл очишар экан, "Қиш қишдай бўлсин" дея юзларига фотиҳа тортишади. Бинобарин, келгуси йил ҳосилининг баракаси, чорванинг барори кўп жиҳатдан чилла об-ҳавосига боғлиқ-да: ёмғир – барака, қор – ризқ демакдир. Бежиз "Қор ёғди, дон ёғди" дейишмайди. Чунки қор кўп ёғса, кузги майсалар устини кўрпадек қоплаб, экинни қаҳратоннинг изғиринларидан асрайди. Кўклам келгач, қорлар эриб, ғалла томирига куч беради.

Шудгор қилинган ерларда қорнинг сингувчан сувлари нам сақлаб, озуқа вазифасини ўтайди. Энг муҳими, қишловчи зараркунандаларга қирон келтиради. Чилла сувини, айниқса, боғбонлар ўзгача қадрлашади. Негаки, бу пайтда сувга қондирилган токзор ва мевазорлар ёзда сувни бир марта кам талаб қилади, мўл ҳосил тўплайди. Шунинг учун халқимиз жадийни барака ойи сифатида эзгу ният билан қарши олади.

**Р. САИДОВ тайёрлади.**

***Ўз вақтида кўрсатилган молиявий кўмак ҳар қандай мураккаб вазиятнинг ўнгланишига туртки бўлиши, шубҳасиз. Буни биргина Тўрткўл шаҳрида фаолият юритаётган "Новвотли. Ширин. Маза" масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.***

# АСОСИЙ МЕЗОН — МИЖОЗ МАНФААТИ

Молиявий тақчиллик туфайли мазкур корхона фаолиятида айрим муаммолар юзага келганди. Ана шунда Халқ банкининг Тўрткўл тумани филиали корхонага 3 йил муддатга 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Кутилганидек, корхонада иш қизғин тус олди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган қандолат маҳсулотларига ички бозорда талаб ортмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган чора-тадбирларга биноан, қишлоқларимизда 4 тадан янги савдо нуқталарини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 60 та корхонага 1 миллиард 65 миллион сўм кредит ажратиш режалаштирилган эди, — дейди Халқ банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошлиғи Махсуд Алимов. — Шунга мувофиқ, жорий йилнинг ўтган даврида корхоналарга қарийб 926 миллион сўм кредит берилди. Шунингдек, сервис соҳасини, ёш оилаларда ҳунармандчиликни ривожлантириш ва шу орқали янги иш ўринлари барпо этиш мақсадида 742 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига жами 4 миллиард 749,4 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

**Молия муассасаларида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, молиявий муассаса кўмагида Оролбўйида 84 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳалар учун 2 миллиард 112,5 миллион сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди.

Шунингдек, қишлоқ жойларда сервис ва хизмат кўрсатишни яхшилаш, касаначиликни ривожлантириш, ғишт заводлари ва иссиқхоналар қуриш, шунингдек, наслдор қорамолларни кўпайтириш мақсадлари учун 57 нафар тадбиркорга 1 миллиард 172,0 миллион сўмлик кредитлар берилди. Шу орқали 150 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 476 та ёш оилага 1 миллиард 706,8 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Бугун пластик карточкалар кундалик турмушимизда қулай ҳамён воситасига айланиб улгурди. Аҳолини ушбу тўлов воситалари билан таъминлашда Халқ банкининг хизмати катта. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойида банк филиаллари томонидан мижозларга 11540 дона пластик карточка тарқатилиб, "электрон ҳамён" эгаларининг умумий сони 18205 нафарга етди.

Банкнинг Кегайли тумани филиали томонидан жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 104 нафар мижозга 650 миллион 255 минг сўм миқдорида кредитлар берилган. Натижада 228 нафар фуқаро янги иш ўринларига эга бўлди. Ёш оилаларга берилган 389 миллион 840 минг сўм истеъмол кредити кўмагидан тумандаги 127 та ёш хонадон баҳраманд бўлди.

Банк томонидан таклиф этилаётган омонат турлари ҳам мижозларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Биргина "Тақдим этувчи" муддатли омонатига 215 нафар мижозга 87680,7 минг сўмга ҳисобварақаси очилди. Айни пайтда "Фарзанд келажаги", "Мустақил ҳаёт", "Кафолат", "Олтин куз", "Саёҳат" каби йигирмадан ортиқ омонат турларига аҳоли бўш пул маблағлари жалб этилиб, бу борадаги белгиланган режа ортиғи билан уддаланди.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банки, ҳақиқатан ҳам, халқнинг мададкорига айланиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш фаровонлиги янада яхшиланишига, пировардида мижозлар сони ортишига замин яратаяпти.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.** t


**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарорини бажариш мақсадида**

**«Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ**

**қайта танловда қатнашишга таклиф этади.**

**Танлов номи** — Янгийўл шаҳри истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

**Танлов ўтказишнинг асосий шартлари:** танлов очиқ турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд:** Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри.

**Танлов ташкилотчиси** — «Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ.

**Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:**

- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

**Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати:** Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазаев) кўчаси, 42-уй. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

**Ариза беришнинг сўнгги муддати** — 2010 йил 20 январь соат 18.00 гача.

**Қайта танлов ўтказиш муддати** — 2010 йил 21 январь соат 10.00 гача.

**Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;
- инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;
- инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатида эмаслиги тўғрисида «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотномаси;
- инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари томонидан берилган маълумотнома.

**Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:**

- танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;
- «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида бўлган.

**Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.**

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Toshkent elektr tarmoqlari» OAJнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказадилар: 20210000500124958119, Қибрай СҚБ, МФО: 00884, СТИР: 201221748, ОКОНХ: 11170.

**Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазаев) кўчаси, 42-уй, «Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ. Мурожаат учун телефон: (8-371) 236-91-01.**

Танлов ҳужжатлари тўпламини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин. Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари тўплами учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

***Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ***

13438/1789



**Ташкилот қуйидагиларни таклиф этади:**

**игна баргли:**
**крим қарағайи, можжевельник, туя дарахти ва бошқалар;**

**манзарали кўчатлар:**
**эман(дуб), шумтол (ясень), каштан, япон софораси, терак ва бошқалар.**

***Сотиш баҳоси — келишилган нархда.***

**Кўчатлар кўпроқ миқдорда олинганда, ташкилот ўз автотранспортида манзилга етказиб беради ва кўчатни экишда амалий ёрдам кўрсатади.**

**Мурожаат учун телефон: 292-97-62.**

13188/1739



**«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ**

**2010 йилнинг I чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**

**САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.**

**Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 28 декабрь соат 17.00 гача.**

13174/1738



# Qishloq Qurilish Bank

**«Moody`s Investors Service»**
халқаро рейтинг компанияси томонидан

Очиқ акциядорлик тижорат банки —
**«Қишлоқ қурилиш банк»**

фаолияти учун халқаро рейтинг шкаласи бўйича жорий йилда берилган ва аввалги йилга нисбатан кўтарилган «B2/NP/E+» рейтинг баҳосини

**«B1/NP/E+»**

даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Банкка берилган барча рейтинглар «Барқарор» прогнозига эга.

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

**Ахборот маркази телефонлари:**
(+99871) 233-71-72, 236-16-17.

**e-mail:** info@qqb.uz
**www.qishloqqurilishbank.uz**


## ОБ-ҲАВО

**(22 декабрь)**



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Баъзи ҳудудларда ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқди. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Айрим жойларда ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғиши мумкин, кундузи ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 2-4, кундузи 5-7 даража илиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***

"Ўзбекэнерготаъмир" ОАЖ жамоаси корхона директори Тимур Юнусовга укаси
**Талъат ИСАМУҲАМЕДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси "O`zbekiston" радиоканали ДУК "Ахборот" информацион эшиттиришлар муҳарририяти мухбири Гулнора Алсейитовага волидаи муҳтарамаси
**ҚЎЙСИН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти жамоаси Чолғу жамоаларига раҳбарлик кафедраси катта ўқитувчиси Қумри Абдумаликовага қизи
**Гўзал АБДУМАЛИКОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Олимпия шон-шуҳрати музейи жамоаси музей бош хазинабони Санобар Матлубовага падари бузруквори
**БУЗРУКХОН отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — А. Орипов.**
**Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.**
**Навбатчи — З. Жонибеков.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 02.00 1 2 3 5